

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 22 май, № 103 (4766) Жума


# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишда энг самарали восита ҳисобланади. Дунёнинг кўплаб давлатлари бугун эътибор қаратаётган ушбу тизим ривожига мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ устуворлик берилгани, айниқса, қувонарлидир.***

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг кучли механизми яратилди. Натижада мазкур тизим жадал ривожланиб, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётимизнинг устунига айланиб бормоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирги кунда 2000 йилдаги 33,8 фоиздан 48,2 фоизга етгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Айтиш жоизки, ана шу кўрсаткичлар жорий йилда янада ошиши кутилаяпти. Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган имтиёзлар юртдошларимизнинг тадбиркорлик иқтидорини янада ёрқинроқ намоён этиш имкониятларини кенгайтириб юборди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**(Давоми 2-бетда).**



**СУРАТДА:** тикувчи Фотима Абдутолипова ва назоратчи Нодира Қўшоқова.



**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

## БЮДЖЕТ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ҳамда 2009 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида Молия вазирлигининг ҳисоботи тингланди.

Айтиш жоизки, 2008 йилда дунёнинг қатор ривожланган давлатлари иқтисодиётида юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон иқтисодиётида мураккаб вазиятни юзага келтирди. Мамлакатимизда ана шу молиявий таназзулнинг олдини олиш борасида Юртбошимиз ташаббуси билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ишлаб чиқилди. Унда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларга солиқ имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлаш кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тежамли иш юритиш ҳамда мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, ҳисоб-китоблар, айниқса, тўлов интизомига эътибор бериш каби устувор вазифалар белгиланди. Ана шулар эвазига 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланганлиги иштирокчилар томонидан алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, пул-кредит сиёсатининг изчил олиб борилиши натижасида инфляция прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлиб, 7,8 фоизни ташкил қилди. Давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида эса халқаро даражада тижорат банкларимизнинг рейтинги ошди ва уларнинг жами капитали ҳисобот йилида 40 фоизга, кредит қўйилмалари 33,4 фоизга, аҳолининг банклардаги депозитлари эса 65,3 фоизга кўпайганлиги ҳам таъкидланди.

**(Давоми 2-бетда).**

## «НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ — ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги делегацияси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг минтақавий қўшма анжумани доирасида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) ва Автомобиль транспорти халқаро иттифоқи (АТХИ) ҳамда мамлакатимизнинг Эрондаги элчихонаси ҳамкорлигида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ)нинг тақдимотини ўтказди.*

Тадбирда ИҲТга аъзо давлатлар ва Экспедиторлик уюшмалари халқаро федерацияси (FIATA), Халқаро йўл федерацияси (IRF), БМТ ЕИК ва унинг Транс-Европа темир йўл лойиҳаси, Темир йўл транспорти халқаро қўмитаси, АТХИ каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Болгария ва Украина элчихоналари ходимлари иштирок этишди.

Тақдимот давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва Фармони билан ташкил этилган Навоий вилоятидаги ЭИИЗ ҳамда Навоий шаҳри аэропорти негизида халқаро логистика марказининг имкониятлари, шунингдек, алоҳида божхона, валюта ва солиқ режими жорий этилиши тўғрисида батафсил маълумот берилди.

**(Давоми 2-бетда).**

**Биз ва жаҳон**

## АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

***Москвадаги «Гостиный двор» кўргазма мажмуасида «MITF — 2009. Сайёҳлик ва ҳордиқ» тўққизинчи Москва халқаро сайёҳлик ярмаркасининг очилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак-тур» халқаро болалар сайёҳлиги ва ҳамкорлиги бюроси томонидан «Фантазиялар оламида» номли Россия сайёҳлик компанияси кўмагида ташкил этилди.***

«MITF» халқаро сайёҳлик ярмаркаси Россиянинг сайёҳлик соҳасидаги энг йирик кўргазма-ярмаркаси бўлиб, Москва шаҳри ҳукумати томонидан ҳар йили ўтказиб келинади. Унинг бошқа ярмаркалардан ажралиб турадиган жиҳати, асосий эътибор истеъмолчига йўналтирилганидадир. Тўрт кун давом этган бу йилги ярмаркада «Гостиный двор»га Россия ва дунёнинг мингдан зиёд компания вакиллари жам бўлдилар. «MITF — 2009» кўргазмасининг умумий майдони эса 4 минг квадрат метрдан ортиқ жойни эгаллади.

Соат роппа-роса ўн тўртда ярмарканинг кўп сонли томошабинлари ва иштирокчилари Ўзбекистон стенди томон ошиқдилар. Уларни «Ялла» вокал чолғу ансамблининг жозибадор қўшиқлари ўзига тортди. Тақдимот бошловчилари чиройли миллий либосларда йиғилганларга мамлакатимиз тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Сўнгра катта мониторда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, ўзбек халқининг маданияти ва анъаналарига бағишланган видеофильмлар намойиш этилди.

Йиғилганлар мамлакатимизда сайёҳлик бизнесининг юксак даражада ривожлангани, россиялик ва хорижлик сайёҳлар учун яратилган шарт-шароитлар ва замонавий инфратузилма, бутун дунёга донғи кетган тарихий ва меъморий ёдгорликлар ҳамда бошқа диққатга сазовор жойлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Бу йил Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларга катта эътибор қаратилди.

Тақдимот меҳмонларига сайёҳликка оид қўлланмалар, турли ахборотнома ва буклетлар, мусиқа ва фотография дисклари ҳамда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти, ўзбек халқининг серқирра маданияти ва анъаналари ҳақида тасаввур берувчи бошқа қизиқарли маълумотлар тақдим этилди. Тақдимот эркин ва дўстона муҳитда, жонли мулоқот ва интерфаол суҳбат тарзида ўтди. Унда кўпгина иштирокчилар тақдимот ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдиришди.

— Саёҳат қилиш ҳамиша инсон учун ёқимли машғулот бўлиб келган. Зеро, у шу йўл билан дунёни англаган, бошқа халқларнинг турмуш тарзи ва анъаналари, давлатлар ва минтақаларнинг тарихи билан яқиндан танишган, бу эса, ўз навбатида, одамлар бир-бирини яхшироқ тушунишига имкон беради, — деди *Москва ҳукумати сайёҳлик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Елена Пискунова.* — Ўзбекистон қадимги цивилизациялардан сақланиб қолган кўплаб ёдгорликларни ўрганиш мумкин бўлган жуда қизиқарли ва бой тарихга эга давлат. Ишончим комилки, россияликларнинг мамлакатингизга бўлган қизиқиши янада ортади ва умид қиламанки, ўзимга ҳам яна бир бор Ўзбекистонга бориш насиб этади.

— Россиядаги энг йирик сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этганимдан бағоят хурсандман, — дейди *Москва Савдо-саноат палатасининг сайёҳлик қўмитаси раиси, юртимизга саёҳат ташкил этишга ихтисослашган "Фантазиялар оламида" сайёҳлик компанияси бош директори Марина Саушкина.* — Москва сайёҳлик ярмаркаси баҳорда ўтказилади, бу эса Ўзбекистонда жуда гўзал даврдир. Компаниямизнинг иш тажрибаси ва бугунги тақдимот шуни кўрсатмоқдаки, россияликларнинг Ўзбекистон сайёҳлик дастурларига қизиқиши йилдан-йилга тобора ортиб, саёҳатга бўлган талаб ҳар йили 30-40 фоиз ўсмоқда. Зеро, мамлакатингиз МДҲ ҳудудидаги энг жозибадор мамлакатлардан биридир. У ерда хорижий меҳмонларга дўстона муносабатда бўлишади ва уларни самимийлик билан қарши олишади. Меҳмонларни Ўзбекистонда бой тарихга эга бўлган қадимий шаҳарларга саёҳат ва мазали таомлар кутмоқда.

Россия ва чет эл сайёҳлик компаниялари Ўзбекистон билан ишлаётган туроператорлар билан ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдирдилар. Улар Ўзбекистон сайёҳлик бозорига кириш шартлари, сайёҳлик хизматларига доир ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга батафсил жавоб олдилар.

*Россиянинг «Эй энд Эй» сайёҳлик агентлиги бош менежери Александр Федосов* қуйидаги фикрни билдирди.

— Ўзбекистон Россиядан кўплаб сайёҳлар ташриф буюрадиган мамлакат бўлиб, ўлка ҳақидаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилувчи экскурсия дастури билан Россия сайёҳлик компаниялари учун жуда қизиқарли ва жозибадордир.

Мамлакатда зарур инфратузилмани яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилган. Бундан ўн йил аввал Ўзбекистонга саёҳатни ташкил этишда меҳмонхона танлаш билан боғлиқ муаммога дуч келар эдик, хусусан, пойтахтда ҳам ўша пайтларда юқори даражали отеллар жуда оз эди. Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам вазият мутлақо бошқача. МДҲ ҳудудидаги йирик шаҳарларнинг ҳаммаси ҳам аъло даражадаги меҳмонхоналар — кичик, шинам отеллардан тортиб, то тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар мажмуига эгалиги билан мақтана олмайди. Бундан ташқари, юқори сифатли меҳмонхоналар ва умуман, сайёҳлик хизматлари учун белгиланган нархлар барча учун қулай бўлиб, бу мамлакатингизда сайёҳликни жадал ривожлантиришга муҳим асос бўлади.

**«Жаҳон» АА.**
Москва шаҳри

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Пойтахтимизда Ўзбекистон шаҳарларида сув таъминоти ва канализация тизимини бошқариш соҳасида хусусий ва давлат корхоналари ҳамкорлигини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

### Кун тартибида — сув таъминоти

Унда соҳага алоқадор вазирлик ҳамда идоралар раҳбар ва мутахассислари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Бизнес Форуми ҳамда Франциянинг "Veolia Water" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимизда ушбу тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилиши зарур бўлган режалар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир давомида иштирокчилар республикамизда мазкур тизимдаги хусусий ва давлат корхоналари ҳамкорлиги, бу борада хориж, хусусан, Франция давлати тажрибалари борасидаги янгиликлардан хабардор қилинди. Шунингдек, "Veolia Water" компаниясининг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимини бошқариш ва модернизациялаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлари муҳокама қилинди.

**О. АСАДОВ.**

***Бухорода анъанавий "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивали бўлиб ўтди.***

### «Ипак ва зираворлар» халқаро фестивали

Қадимий шаҳар икки кун давомида мамлакатимизнинг турли минтақалари ҳамда Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистондан келган ҳунармандлар, Германия, Франциядан ташриф буюрган халқ амалий санъати ихлосмандлари билан гавжум бўлди.

Анжуман доирасида сўлим Лабиҳовуз бўйида чинакам Шарқ бозори ташкил этилиб, ҳунар аҳли ўз маҳоратларини намойиш қилди. "Шарқ услуби ва жаҳон модаси" деб номланган либослар намойиши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари, зираворлар ва шифобахш гиёҳлар савдоси йўлга қўйилди. "Бухоро Гранд" меҳмонхонасида "Туризмни ривожлантиришда ҳунармандчиликнинг роли ва ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Сомонийлар боғида ош сайли ташкил қилинди. Фольклор жамоалари ва дорбозларнинг чиқишлари фестивалга байрамона руҳ бағишлади. Тадбир якунида энг моҳир ҳунармандлар тақдирландилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қашқадарёлик деҳқон ва чорвадорлар ишлаб чиқаришга минитехнология ва ихчам ускуналарни жорий қилишнинг афзаллигини яхши билиб олишди.***

### Минитехнологияга қизиқиш катта

Вилоят тадбиркорларининг пойтахтимиздаги "Экспомарказ"да ташкил этилган "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2009" кўргазма-савдосидаги иштироки ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг IV халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосига ташриф буюрган 100 нафар тадбиркор 160 дан ортиқ шартнома ва битимларни расмийлаштирди. Уларнинг умумий миқдори 2,3 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, хорижий валютада 2,4 миллион АҚШ доллари ва 570 минг евро миқдоридаги шартномалар ҳам имзоланди. Тадбиркорлар дон ўриш комбайнлари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлашга мўлжалланган кичик цехлар, чорвачилик, паррандачилик фермалари учун жиҳозлар сотиб олишга катта қизиқиш билдиришди.

Вилоятда замонавий минитехнология ва ихчам ускуналар харид қилишни истовчилар кўп. Шунинг учун ҳам июнь ойида вилоятда "Karshi Agrominitech Expo — 2009" халқаро кўргазма-савдоси ташкил этиладиган бўлди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Каттақўрғон тумани фермерлари Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси асосида 19 та "МХМ-140" русумли замонавий ҳайдов тракторларини имтиёзли кредит эвазига харид қилишди.***

### Ҳайдов тракторлари — кредитга

Жаҳон бозорида харидоргирлиги билан ажралиб турувчи бу техникаларнинг самарадорлиги юқори. Уларнинг ҳар бири кунда 14-15 гектар майдонни шудгор қилиш, 40-50 гектар ерни текислаш имконини беради. Шунингдек, ғўза қатор ораларини юмшатишда ҳам фойдаланса бўлади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, "МХМ-140" тракторларида ёнилғи кам сарфланади.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади

**2009** йилнинг биринчи чораги давомида республикамизда **3048,2** километрлик туманлар ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоғи тозаланди.

**Ҳудудларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаларининг изчил амалга оширилиши натижасида шундай кенг кўламли ишлар бажарилди.**

***Парламент назорати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис парламент назорати ва парламент эшитуви йўлга қўйилган бўлиб, ушбу саъй-ҳаракатлар қонунлар ижроси самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.***

# МАЖБУРИЙ СУҒУРТА

## соҳанинг фаол такомиллашуви ва фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга

Яқинда Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахбороти тингланди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мазкур парламент эшитуви биринчи бор қўмита даражасида ўтказилди.

Маълумки, Президентимизнинг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганидан сўнг суғурта тизимини янада такомиллаштириш, суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун шу йўлдаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжат фуқароларимизнинг суғурта маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг суғуртани ихтиёрий равишда амалга оширишини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда. Қолаверса, мазкур Қонуннинг асосий мақсади транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилганда, жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга етказилган зарарнинг қопланишини кафолатлашдан иборат.

Шу ўринда мазкур Қонунга бўлган зарурат хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Аёнки, транспорт воситаларини бошқараётган шахслар тегишли қоидани бузиб, бошқа фуқароларга зарар етказса, албатта, уларнинг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келади. Бошқача айтганда, жабрланувчиларнинг соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарни қоплашлари лозим бўлади. Аммо транспорт воситалари эгалари етказилган зарарни ўз вақтида қоплаш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Албатта, бу жабрланувчиларнинг манфаатларига зид. Шу боис ушбу жараёнларни қонун даражасида мустаҳкамлашни ҳаётнинг ўзи талаб қилди.

Мазкур Қонун қабул қилингандан сўнг унинг ижросини таъминлаш механизмини яратиш мақсадида бир қатор қонуности ҳужжатлари, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга кўра, суғурта пули, яъни, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта ташкилоти жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун тўлайдиган сумма миқдори белгиланди. Шу билан бирга, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ташкил этилди ҳамда шу жараёнга тааллуқли қоидалар тасдиқланди. Айни пайтда транспорт воситалари эгаларининг суғурта компаниялари билан бўладиган муносабатларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари таъминланди.

Бундан ташқари, ҳозирда республикамизда тегишли лицензия-

**Парламент назорати**

га эга бўлган тўққизта суғурта компанияси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фаолияти билан шуғулланмоқда. Табиийки, ушбу компанияларнинг жойларда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мажбурий суғурта шартномаси тузиш, жабрланувчиларнинг суғурта тўловлари ҳақидаги талабларини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга оширишга ваколатли вакилликлари мавжуд.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мавжуд автотранспорт воситалари эгалари ўзларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталадилар. 2009 йилнинг биринчи чорагида мазкур суғуртани амалга ошириш жараёнида суғурта компанияларининг ҳисоб рақамларига 20 миллиард сўмга яқин маблағ тушганлиги эътиборлидир. Фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда имтиёзга эга бўлган шахсларга (уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, пенсионерлар, ногиронлар ва бошқалар) суғурта мукофоти суммасининг 50 фоизи миқдорида, жами 660 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сийловлар тариқасида берилди.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнида жабрланган мингдан ортиқ жисмоний ва 120 дан ортиқ юридик шахсга 400 миллион сўмга яқин суғурта пули тўланди. Асосан, эгасининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган транспорт воситалари иштирокида содир этилган суғурта ҳодисаси оқибатида зарар кўрган фуқароларга суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан 90 миллион сўмга яқин компенсация тўловлари амалга оширилди.

Айтиш лозимки, қонун ижросини таъминлаш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳозирга қадар автотранспорт воситалари эгалари томонидан фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган ҳолда транспортни бошқариш ҳоллари учрамоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 14,5 мингдан кўпроқ фуқаронинг суғурта полисисиз транспорт воситасини бошқарганлиги аниқланиб, уларга 370 миллион сўмга яқин жарима солинган. Бу ҳолат аҳоли ўртасида ушбу суғурта турининг афзаллик ва имкониятлари етарлича тушунтирилмаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, йўл транспорт ҳодисаларини расмийлаштириш амалиётини, суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта товонларини олишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш амалиётини янада соддалаштириш зарурати бор.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқадиган галдаги муҳим вазифа қонун ижросини тўла таъминлашдан иборат. Бунинг учун, аввало, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, улар томонидан суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни янада кучайтириш лозим. Шу билан бирга, ҳайдовчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ва суғурталовчилар ҳамда бошқа қатнашчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шунингдек, мазкур суғурта турини амалга оширишда транспорт воситалари эгалари учун барча зарур қулайликларни яратиш, яъни суғурта ҳодисаси рўй берганида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини соддалаштириш ҳамда қонунда кўзда тутилган "аджастер", "ассистанс" ва суғурта фаолиятига кўмак берувчи бошқа хизматлар имкониятини кенгроқ жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қисқаси, сўз юритилаётган Қонуннинг самарадорлигини янада ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, энг муҳими, фуқароларимизнинг суғурта ҳақидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш унинг ҳаётимиздан мустаҳкам жой олишини таъминлаши, шубҳасиз.

**Акрам ЖУМАЕВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.***

# ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

## енгил саноат корхоналари ривожини таъминламоқда

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бугун дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, тобора чуқурлашиб бораётган бу муаммо мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки Ўзбекистон халқаро молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас қисми ҳисобланади.***

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида давлатимизнинг чет мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари жадал ривожланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, иқтисодиётимиз етакчи тармоқлари маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинади. Хусусан, пахта толаси экспортининг қарийб 85 фоизи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари улушига тўғри келади. Молиявий-иқтисодий инқирознинг мазкур мамлакатларга таъсири, ўз навбатида, республикамиз пахта экспортининг пасайишига олиб келиши мумкин.

**Ислоҳот**

Президентимиз Ислом Каримов буни олдиндан кўра билиб, мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилиндики, бу ҳатто чет эл экспертлари томонидан инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас. Нега деганда, мазкур дастур 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда, нафақат марказларда, балки қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари жадал ривожлантирилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, чуқур ўйланган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилади.

Айтиш жоизки, таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган Фармони бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти, десак, асло муболаға бўлмайди. Ушбу ҳужжатда давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизи миқдорида кредит ставкаси ҳажмида имтиёзли кредитлар ажратиш чора-тадбирларини амалга ошириш белгилаб берилган.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноат тизимидаги корхоналарни модернизация қилиш дастури 2006 йил 13 ноябрда қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ, 66 та корхонада ишлаб чиқариш бутунлай янгиланмоқда. Уларнинг 61 таси хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётгани ғоят аҳамиятлидир. Бошқача айтганда, лойиҳаларнинг умумий қиймати 466,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлса, унинг 96,9 фоизи ёки 452,45 млн. АҚШ доллари чет эл инвестицияси улушига тўғри келади. Пахтани қайта ишлаш саноатини модернизация қилиш давлат дастури доирасида эса 41 та корхона умумий қиймати 125,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган замонавий линиялар билан қайта жиҳозланаяпти. Булар эса бугунги мураккаб шароитда жаҳон бозорида талаб юқори бўлган саноатбоп тола ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириб юборди.

Мамлакатимизда енгил саноат тизимидагина эмас, балки иқтисодиётимизнинг барча етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Бунинг натижасида иқтисодий ўсиш суръати йил сайин ошиб бораётир. Бу халқаро миқёсда тан олиниб, Ўзбекистон муносиб иқтисодий ҳамкор эканлиги эътироф этилмоқда. Шу боис хориж инвесторлари ўз сармоясини Ўзбекистонга киритишга ҳаракат қилишмоқда. Буни 2008 йилда чет эл сармояси иштирокида иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқларида кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, Инвестиция дастурларининг изчил ижроси натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган 423 та объект фойдаланишга топширилди. Шуning 65 таси тўқимачилик ва енгил саноат тизимида эканлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Инқирозга қарши чоралар дастури тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарини экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга рағбатлантиришга, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи бир қатор имтиёзлар йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу маънода, ушбу дастур барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуидир.

**Баҳодир ҲАСАНОВ,**
***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.***

# БЮДЖЕТ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи чорагидаги ижросига доир масала ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама жараёнида маълум бўлишича, жорий йилнинг биринчи чорагида ЯИМнинг ўсиши 7,9 фоизни ташкил қилиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилган.

Шу билан бир қаторда, иштирокчилар 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чораги давомида бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, айрим идора ва муассасаларда бюджет интизомига риоя этилмаганлиги каби молиявий тартиббузарликлар ҳали ҳам мавжудлигини қайд этишди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ЭЪТИБОРДА

***Шу куни парламент қуйи палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бола ҳуқуқлари ҳимоясига доир бошқа халқаро шартномаларни амалга оширишда парламентнинг роли" мавзуига бағишланган семинари бўлиб ўтди.***

У ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизни ташкил этади. Шу маънода, мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шу боис тадбирда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар болаларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатимиз ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 38 та халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Семинарда бола ҳуқуқларига доир қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклифлар берилди. Соҳадаги қонунларни янада мукаммаллаштириш ҳамда мунтазам мониторинг олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ — ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар ЭИИЗ фаолиятини тартибга солувчи ва унинг маъмурий кенгашига оид қонунчилик базаси, сармоядорларни саралаб ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш тартиблари, шунингдек, чет эл фуқароларининг ҳудудга кириши, унда бўлиши ва чиқиб кетиши, иш кучи ёллаши бўйича соддалаштирилган режимининг асосий қоидалари билан таништирилди.

БМТ ЕИК транспорт бўлими бошлиғи **Микалис Адамантиадис**нинг сўзларига кўра, минтақада мавжуд шу каби зоналарга қараганда, ЭИИЗ ўз хусусиятлари билан афзалликларини кўрсатмоқда, хорижий ишбилармонлар, сармоядорлар ва транспорт қатнови операторларида унинг сердаромадлигига ишонч уйғонмоқда.

АТХИнинг МДҲ минтақасидаги доимий вакили **Д. Ларионов**нинг таъкидлашича, Ўзбекистон шаҳарлари қадимда Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо-транзит узели бўлиб хизмат қилган. Ҳозир ҳам ушбу шаҳарлар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Янги Евроосиё автотранспорт ҳаракати (NELTI) лойиҳаси доирасида Европа ва Осиё оралиғида қадимги Ипак йўли бўйлаб рамзий маънода Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарларидан бошланадиган доимий тижорат қатновларининг қайта тикланиши мутахассисларнинг алоҳида эътиборини тортди.

ЕХҲТ вакили **Роель Янссен**нинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг юраги ҳисобланади ва у Шимоли-Ғарбий йўналишда Россия орқали Европа давлатларига, Шарқий йўналишда Хитой орқали Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига, Жанубий йўналишда Бандар Аббос порти орқали Яқин Шарқ ва Форс кўрфазига чиқадиган барча транспорт қатновларни боғловчи марказ бўлиб хизмат қилади.

Тақдимот якунида сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг бой транспорт ва коммуникация имкониятлари, юртимиз ҳудуди орқали ўтадиган транзит қатновлар сонининг тобора ўсиб бораётгани ва Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакат ҳудудида тижорат, ишлаб чиқариш ва сармоявий фаолиятни олиб бориш учун яратилган шарт-шароитларни қайд этишди.

**«Жаҳон» АА.**
Теҳрон

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янгийўл шаҳрида иш бошлаган "ECE textil" масъулияти чекланган жамиятини соҳадаги изчил ислоҳотларнинг меваси, дейиш мумкин. Негаки, мазкур тикувчилик корхонаси мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит, тадбиркорликка яратиб берилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланилган ҳолда ташкил этилди. Бунинг учун Туркиядан 100 миллион сўмлик замонавий тикиш-бичиш ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Натижада қарийб 100 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Айни пайтда бу ерда ўндан ортиқ моделдаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилаяпти. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқори. Бу эса уларнинг ички ва ташқи бозорда харидоргирлигини таъминламоқда. Ўтган бир ой ичида 15 миллион сўмлик маҳсулот сотилгани шундан далолатдир.

— Ҳозирда мавсумий кийим-кечаклар ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона иш юритувчиси Шенер Бошли. — Буюртмачилар талабини инобатга олиб, уларнинг турини янада кўпайтирмоқчимиз. Бунинг учун ички имкониятларимиз етарли. Дизайнерларимиз томонидан дунё бозорида рақобатбардош бўлган кўплаб янги моделлар яратилди. Улар, ўз навбатида, тикувчилар маҳорати туфайли бежирим либосларга айланмоқда.

Жамият фаолияти билан яқиндан танишган кишининг қулфи-дили очилиб кетади. Чунки замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Эътиборли жиҳати шундаки, жамоа тўлиқ ёшлардан иборат. Уларнинг аксарият қисми касб-ҳунар коллежларида бичиш-тикишни ўзлаштирган йигит-қизлардир. Дилафрўз Мирзаева — шулардан бири.

— Янгийўлдаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида тикувчилик йўналишида таҳсил олганман, — дейди у. — Ўқиб-ўрганганларимни эндиликда амалиётда қўллаяпман. Кунига 2500 тагача болалар кийимларини "қўлдан чиқараман". Ойлик маош ҳам ишимга яраша. Бу ерда курсдош дугоналарим кўп. Келиб-кетишимиз учун махсус автобус ажратилган. Тўғрисини айтсам, танлаган касбимдан фахрланаман!

Аслида, "ECE textil" масъулияти чекланган жамияти — мамлакатимизда ҳар йили ташкил этилаётган юзлаб ишлаб чиқариш корхоналаридан бири. Улар минглаб ғайратли ёшларни бағрига олиб, аҳоли бандлик даражасини оширишга, шу орқали юртимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг тобора юксалишига хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам шу.



СУРАТДА: тикувчи Умида Расулова

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

***Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси — миллий бойлигимизнинг бир қисми, таъбир жоиз бўлса, аждодларимиз томонидан қолдирилган улкан мерос. Асрлар оша етиб келган табиат неъматларини, ўз навбатида, келажак авлодга бус-бутун ҳолида етказиш эса ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз. Ана шу масъулият ҳисси атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлишга ундайди.***

**22 май — Халқаро биохилма-хиллик куни**

# ТАБИАТ БОЙЛИГИНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида экотизимни яхшилашга, биологик турларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун, энг аввало, миллий қонунчилик базаси мустаҳкамландики, натижада кейинги йилларда бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Аслида, биогеографик ўлкалар туташган минтақада жойлашган Ўзбекистон флора ва фаунаси ниҳоятда ранг-баранг. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан зиёд замбуруғ турлари, шунингдек, умуртқали ҳайвонларнинг 677, умуртқасизларнинг эса 15 мингдан ортиқ хили мавжуд. Уларнинг аксарияти бетакрор бўлиб, фақат бизнинг ўлкамизда учраши, айниқса, қувонарлидир.

Гарчи бугунги кунда наботот ва ҳайвонот оламининг умумий ҳолати нисбатан яхши бўлса-да, антропоген таъсир остида кўплаб турлар қисқариб кетмоқда, ҳатто баъзилари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Мутахассислар бунга ерларнинг ҳаддан зиёд тез ўзлаштирилиши, ноқонуний овнинг кучайишини асосий сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Дарҳақиқат, яшаш жойларининг қисқариши ҳамда экологик муҳитнинг тубдан ўзгаришига мослаша олмаган кўплаб ҳайвонлар йўқолиб кетди. Турон йўлбарси, гепард, туркман қулони, Орол сулаймон балиғи шулар жумласидандир. Яна ўндан зиёд ҳайвон ҳамда ҳашаротлар ҳаёти хавф остида қолган. Ўсимликларнинг 400 хили эса жиддий муҳофазага муҳтож.

Табиатда ҳар бир тур тарихан такрорланмас, генетик жиҳатдан ягона ҳисобланади. Йўқолган турларни қайта тиклашнинг эса сира иложи йўқ. Шунинг учун бугун бутун дунё афкор оммаси биохилмахилликни сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратаяпти. Бунда, айниқса, БМТнинг ташаббуси билан 1992 йили имзоланган Биохилмахиллик тўғрисидаги Конвенция катта туртки бўлди. Натижада мазкур ҳужжатни ратификация қилган 200 дан ортиқ давлатда, жумладан, республикамизда ҳам 22 май "Халқаро биохилма-хиллик куни" сифатида кенг нишонланмоқда.

Хўш, биологик ранг-бaрангликни сақлаш учун қандай чора-тадбирларни амалга оширган маъқул? Мутахассисларнинг фикрича, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси табиий кўпаядиган ҳудудларни сақлаб қолиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бу борадаги энг долзарб масаладир. Шунинг баробарида қўриқхона сингари яримтутқун, аммо бехавотир экотизимни вужудга келтириш ҳам яхши самара бериши ўз исботини топган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда ушбу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаяпти. Истиқлол йилларида 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий боғ, 2 та экомарказ фаолияти кенгайтирилиб, бу ерларда миллий ҳамда халқаро "Қизил китоб"га киритилган, йўқолиш эҳтимоли бор наботот турлари ва ҳайвонлар парваришланаяпти. Ана шу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Масалан, Анзур ва Суворов пиёзлари кўпайди, энг камёб ўсимликлар сирасига киритилган "Минквиц тезиуми"нинг тури 7 тадан 17 тагача етди. Жониворлар бўйича ҳам шундай ижобий мисолларни келтириш мумкин.

Бироқ эришилаётган муваффақиятлар билан бирга, муаммолар ҳам оз эмас. Кейинги йилларда олиб борилган кузатишлар ўсимликларнинг яна 138 турини алоҳида муҳофаза остига олишни тақозо этди. Бошқача айтганда, ҳозирда "Қизил китоб"га киритилган ўсимликлар сони 301 тага етди.

Шу рақамларнинг ўзиёқ барчани ҳушёр торттириб, баҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга ундайди. Негаки, эртанги кунимизнинг қандай кечиши табиат билан чамбарчас боғлиқ. Зотан, улар қишлоқ хўжалигида бугунги мураккаб экологик таъсирларга бардошли, сермаҳсул нав ва зотлар яратишда асос бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, унинг муҳофазасига ҳар биримиз масъуллигимизни унутмайлик.

**Р. САИДОВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Нарх барқарорлигига эришилади

***Эквадор нефть ва тоғ-кон саноати вазири Дерлис Паласиоснинг айтишича, жорий йил якунига бориб, мамлакатда "қора олтин" нархида барқарорлик юзага келади.***

Хусусан, ўша даврга келиб, мамлакатда нефтнинг бир баррели 60-65 АҚШ доллари атрофида сотила бошланади.

Паласиоснинг таъкидлашича, яқинда Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг навбатдаги конференциясида "қора олтин" бозоридаги аҳвол атрофлича таҳлил қилинади. Тадбирдаги келишувлар эса нефть бозоридаги вазиятнинг ижобийлашувига хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Эквадор давлати ОПЕК томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга доимо хайрихоҳ бўлиб келган. Мисол учун, ўтган йилнинг декабрь ойида ташкилот талаби билан Эквадор давлати нефть қазиб олиш ҳажмини кунига 460 минг баррелга камайтирганди.

### Вирусдан асрасин

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан маълум қилинишича, AH1N1 вирусини юқтирган одамлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.***



Рақамларда келтирилишича, айни пайтга келиб, ушбу вирус билан дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатида 9830 киши касалланган. Ўз навбатида, хасталик туфайли 79 киши ҳаётдан кўз юмган.

ЖССТ маълум қилишича, касаллик аломатлари билан боғлиқ энг кўп ҳолат (5123 та) АҚШда аниқланган. Мексикада 3648 киши ундан азият чекаётган бўлса, Японияда беморлар сони 159 кишига етган.

ЖССТ касалликнинг бошқа минтақа ва давлатларга тарқалиши олдини олиш учун давлатлар ўртасидаги чегара назоратини янада кучайтириш лозимлигини уқтирмоқда.

### Ёмғир келтирган офат

***Бразилиянинг шимоли ва шимоли-шарқий ҳудудларида сув тошқини содир бўлди.***

Бразилия Миллий фуқаролар мудофааси муассасаси томонидан маълум қилинишича, табиий офат туфайли 370 минг киши бошпанасиз қолган, 46 киши эса ҳалок бўлган.

Хабарларда келтирилишича, мамлакатда деярли икки ойдан буён тинимсиз ёмғир ёғмоқда. Натижада мамлакатнинг 13 штатидаги 407 та аҳоли яшаш ҳудуди жиддий талафот кўрган.

### Сокинликка путур етди

***Ироқнинг Бағдод шаҳридаги Шула туманида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.***



Террорчилар туманнинг аҳоли гавжум бўлган жойида портловчи қурилмани ҳаракатга келтирган. Натижада 34 киши ҳалок бўлган, 72 киши тан жароҳати олган.

Кузатувчилар Шуладаги хунрезлик мамлакатдаги сокинликка путур етказганини маълум қилишган. Чунки жорий йилнинг апрель ойидан кейин мамлакатда қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилмаётган эди. Апрель ойи эса 2008 йилнинг октябрь ойидан буён энг кўп қон тўкилган давр сифатида қайд этилганди. Ўтган ойдаги хунрезликлар оқибатида 335 киши қурбон бўлган, мингга яқин одам тан жароҳати олган.

### БМТга мурожаат қилган

***Шарқий Африканинг олти давлати Сомалининг ҳаво ва денгиз ҳудудларини қамал қилиб олишни сўраб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)га мурожаат қилган.***

Аддис-Абебада бўлиб ўтган Ҳукуматлараро тараққиёт агентлиги учрашуви чоғида Сомалидаги вазият қўшни давлатлар хавфсизлигига рахна солаётгани муҳокама қилинганидан сўнг шундай қарорга келинган.

Оммавий ахборот воситалари хабарларида келтирилишича, айни пайтда Сомалидаги вазият кескин тус олган. Бу ерда сўнгги икки ҳафта давомида 100 нафардан ортиқ бегуноҳ инсон қурбон бўлган, 43 минг фуқаро эса яшаб турган жойини ташлаб кетган. Сал олдинроқ Африка Иттифоқи ташкилоти раҳбарлари Сомалига тинчликпарвар кучларни киритишни БМТдан сўраган эди. Аммо ўшанда ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши, ҳудудда тўқнашувлар бўлаётгани сабаб, бу миссияни амалга оширишнинг мавриди эмаслигини билдирганди.

Айтиб ўтиш керакки, ушбу мамлакатда 1991 йилдан буён фуқаролар уруши давом этмоқда. Гарчи 2004 йилда халқаро ҳамжамият аралашуви билан мамлакатнинг аксарият ҳудудида назорат ҳукумат томонига ўтган бўлса-да, ҳозирда вазият яна ёмонлашган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Ўзбек халқ мақоллари олам-олам маънога эга эканлиги ва муҳим тарбиявий аҳамият касб этиши билан доимо эътиборга сазовор. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: "Қўшнинг тинч — сен тинч", "Маслаҳатли тўй тарқамас" ва ҳоказо. Бу мақолларни эслашимизнинг боиси бор, албатта. Ўз вақтида халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк алломалар, олиму фузалолар томонидан айтилган ва келгуси авлод учун маънавий мерос сифатида қолдирилган бу каби нақллар ҳозир ҳам бирдек аҳамиятлидир.***

# МАСАЛА ЕЧИМИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**Мушоҳада**

Ўзбекистон халқи ва раҳбарияти истиқлолнинг илк кунлариданоқ неча-неча асрлардан буён ёнма-ён яшаб келаётган халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари, бордикелди, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, улар яшаётган Марказий Осиё минтақаси ва унга қўшни ҳудудларда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш сиёсатини илгари суриб келмоқда. Эзгу мақсадлар билан йўғрилган бундай хайрли ниятларни ҳар қадамда кўриш мумкин. Хусусан, Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессиялари, Мингйиллик саммити, ЕХҲТнинг Истанбул учрашуви, НАТО — СЕАПнинг Бухарест саммити ва шу каби бошқа кўплаб халқаро ва минтақавий анжуманлардаги чиқишларида минтақа ҳамда дунё халқларининг тинчлиги, осойишталиги, хавфсизлигидан тортиб, иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган таклиф ва ташаббуслар илгари суриб келинмоқда. Шундай муҳим аҳамиятга эга ҳаётий таклифлардан навбатдагиси яқинда Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувида билдирилди.

Маълумки, Орол денгизининг қуриб бориши минтақанинг ўткир экологик муаммоси ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари анжумандаги нутқида экологик фожиа сабаблари, Орол ҳавзаси атрофида яшаётган миллионлаб аҳолига кўрсатаётган салбий таъсиридан тортиб, унинг оқибатларини бартараф этиш ва ечими ҳақида ҳаётий ҳамда аниқ далилларга асосланган фикрларини баён қилди. Таъкидланганидек, бугун денгизнинг қуришини бутунлай тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ. Лекин Оролнинг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, бу ҳудудларга сув етиб боришини таъминлаш, ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан заҳарли моддалар кўтарилишини камайтириш, коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш, ушбу экологик таназзулнинг аҳоли саломатлиги ҳамда фарзандларимиз, келгуси авлод генофондига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, даволаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, аҳолига қулай турмуш шароити яратиш каби долзарб вазифалар борки, уларни ҳал этишда Ўзбекистон амалий ҳаракатларни олиб бормоқда. Бу жараёнда минтақа мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар, молиявий институтларнинг яқин ҳамкорлиги, масалага масъулият билан ёндашуви экологик таназзулнинг салбий таъсирини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг 60-йилларида бошланган ва бугун экологик фожиага айланган ушбу вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлардан бири, бу — минтақадаги сув-энергетика манбаларидан барча мамлакатлар манфаатини ҳисобга олган ҳолда самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш. Зеро, Олмаота анжумани якунида давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган қўшма баёнотда инқироз оқибатларини тугатишда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг БМТнинг тегишли ташкилотлари ва бошқа халқаро муассасалар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, муаммо ечимига қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда донор давлатлар билан фаол иш олиб бориш, Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш каби режалар ўрин олган. Шунингдек, давлат раҳбарлари имзолаган мазкур ҳужжатда Марказий Осиё сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш бўйича минтақадаги барча давлатлар манфаатини ҳисобга олган ҳолда ўзаро мақбул бўлган механизмни ишлаб чиқишдан томонлар бирдек манфаатдор эканлиги қайд этилган.

Шу ўринда минтақа сув-энергетика захираларидан фойдаланишда айрим мамлакатларнинг ўз манфаати нуқтаи назаридан ёндашаётганлиги, бу масалага халқаро экспертларнинг муносабати хусусида икки оғиз сўз. Сўнгги вақтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё давлатлари иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган сув-энергетика тармоғидан фойдаланиш, хусусан, Тожикистон ҳукумати томонидан қурилиши режалаштирилган Роғун ГЭСи лойиҳаси борасида фикрлар билдирилмоқда. Улар билан танишар экансиз, сув-энергетика манбалари билан боғлиқ минтақа аҳамиятига доир бўлган ҳар қандай лойиҳа халқаро экспертизадан ўтиши, бошқа мамлакатлар манфаатига путур етказмаслиги лозимлиги хусусидаги хулосага дуч келасиз.

Жаҳон банки президенти Роберт Зеллик мамлакатимиз раҳбарига йўллаган жавоб хатида шундай дейди: **"... Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман..."**

Бундай қўллаб-қувватловчи фикрлар Осиё тараққиёт банки, Европа Иттифоқи каби нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам билдирилиши юзага келган вазиятда Ўзбекистон тутган йўл тўғри эканлигини яна бир бор исботлайди.

Албатта, бугунги кунда минтақа мамлакатлари ўртасида ушбу масала юзасидан баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Буни тушуниш мумкин. Лекин минтақадан ташқари бўлган айрим учинчи давлатларнинг бу жараёнга аралашувини қандай баҳолаш, нима билан изоҳлаш мумкин?

Олмаота саммитида таъкидланганидек, минтақа аҳамиятига доир ҳар қандай масалада давлатлар манфаатларида мувозанат бўлмоғи лозим. Юртбошимиз бу масалага Ўзбекистоннинг муносабатини аниқ ва равшан ифода этди: **"Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаати амалга ошадими? Бу борада "бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" деган принцип — эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.**

**Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ."**

Ҳар бир мамлакат ва халқ тенглар ичида тенг, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллаши, эришган ютуқлари билан ғурурланиши, ҳар қандай шароитда ҳам ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши учунгина ўз давлатини қуради. Шундай экан, собиқ иттифоқ пароканда бўлгач, мустақиллик йўлини танлаган ҳар бир мамлакат ўз ўрнига эга бўлиши, кимнингдир йўл-йўриғига тушиб қолмаслиги лозим эмасми?

**Ғафур ЖАМОЛОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

## Қисқа сатрларда

### МОЗИЙ ТИЛГА КИРМОҚДА

***Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар санъати намуналари" деб номланган бадиий-археологик кўргазмаси очилди.***

Биринчи бор ташкил этилаётган кўргазма мамлакатимизнинг турли вилоятларида археологик қазилмалар жараёнида топилган ва Санъатшунослик илмий тадқиқот институти музейида сақланаётган ноёб экспонатлардан ташкил топган. Ўрта асрларга тегишли шиша буюмлар, Кампиртепадан топилган сопол идишлар, Далварзинтепадан топилган антиқа ёдгорликлар — ҳукмдор ҳайкали, от ҳайкалининг бош қисми, шунингдек, ўша давр зодагонининг ҳайкали кўргазмани безаб турибди.

Кўргазмага 200 дан зиёд энг ноёб экспонатлар қўйилган бўлиб, улар томошабинларни беҳад қизиқтирмоқда.

**Г. САОДАТОВА.**

### ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ

***"Экосан" халқаро фонди ташаббуси билан Тошкент туманида "Ёшлар экологик тарбиясини, маданиятини юксалтириш ҳамда улар саломатлигини таъминлаш имкониятлари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманда сўзга чиққан эколог олимлар "Экосан" халқаро фонди ёрдамида электрон дарсликлар ва қўлланмалар яратиш таклифи билан чиқдилар. Тадбир коллеж ўқувчилари ўртасида табиатни асрашга оид ижодий ишлар танлови билан якунланди.

**М. МИРСОВУРОВ.**

***Бугунги кунда олис қишлоқ ва овулларда қад кўтарган замонавий мактабу лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ёш авлоднинг жаҳон талаблари даражасида пухта ва мукаммал билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун хизмат қилаяпти. Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида фаолият юритаётган Банк коллежи ўқувчилари ҳам бугун шундай имкониятлардан баҳраманд.***

# ОВУЛ ЁШЛАРИ — КОМПЬЮТЕР БИЛИМДОНИ

**Таълим**

Билим даргоҳида "Молия", "Банк иши", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Хўжалик ҳуқуқи фаолияти", "Банкларда бухгалтерия ҳисоби" каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Коллеждаги ўқув дарслари, амалиёт машғулотларини интерфаол усулда, замонавий технологиялар воситасида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Яъни, ўқув масканида ахборот ва коммуникация технологиялари таълим жараёнига изчил татбиқ этиб борилмоқда. Компьютерлар, мультимедия, кодоскоп ва бошқа замонавий техник қурилмалар ёшлар ихтиёрида. Махсус компьютер синфи интернет тармоғига уланган. Шунингдек, ўқувчиларнинг информатика, математика, ҳуқуқшунослик, физика, кимё ва бошқа фанларга доир электрон дарсликлар билан таъминланиши ўқув жараёнининг янада қизиқарли кечиши ҳамда ёшларнинг фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошишига асос бўлаяпти.

— Ўқувчиларимиз банк, молия муассасаларининг бўлажак мутахассислари, — дейди коллеж директори Рустам Отабоев. — Бу соҳани эса ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Демак, зиммамиздаги асосий вазифа ёшларимизга бугунги ва эртанги кун тараққиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда билим беришдан иборат. Бунинг учун эса, асосий эътиборни моддий-техник имкониятларимизни янада мустаҳкамлашга ҳамда педагог кадрларимиз малакасини оширишга қаратаяпмиз.

Коллежда ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолоти масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Бу борада ўқув маскани маъмурияти ташаббуси билан махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Айниқса, шу асосда ташкил этилаётган "Маънавият соатлари" тадбирларининг самараси юқори бўлмоқда. Масалан, ўтган йили санъат ва спортга ихлоси баланд иқтидорли ёшлар сараланиб, улар иштирокида "Қувноқлар ва зукколар" беллашуви ташкил этилди. Коллеж жамоаси Амударё, Элликқалъа, Беруний ва Тўрткўл туманлари ўқув юртлари ўртасида ўтказилган ёш банкчилар мусобақасида ғолибликни қўлга киритди.

Коллежда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Еттита спорт тўгарагига жалб қилинган ёшлар 288 нафарни ташкил этади. Улар турли спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Коллежнинг минифутбол жамоаси ҳамда "Баркамол авлод — 2008" ўйинларида спортнинг волейбол тури бўйича қатнашиб, олтин медални қўлга киритган Давлатёр Қурбонбоев ва бошқа ёшларнинг муваффақиятлари сўзимиз исботи.

Бинобарин, ўқув маскани маъмурияти ташаббуси билан ўтказилаётган "Алпомиш ва Барчиной" мусобақа-синовларида ўқувчилар 100 метрга югуриш, узоқликка ва баландликка сакраш, диск улоқтириш, турникка тортилиш каби машқларни бажариш орқали ўзларини жисмонан тоблаб боришаяпти.

— Ҳозирда коллежимизда 1087 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти, — дейди Р. Отабоев сўзини давом эттириб. — Улар орасида иқтидорли ёшлар кўп. Шундай экан, ўқувчиларимизга ўзлари танлаган мутахассислик йўналиши бўйича пухта сабоқ бериш билан бирга, уларнинг иқтидор ва қобилиятини шакллантириш ва камол топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Зеро, бугуннинг ёшлари наинки ўз соҳасининг етук мутахассиси, балки ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши керак.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"Росагропромснаб" МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМЛИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАР
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.
Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида
«PLATINUM INVEST»
кредит уюшмаси
ўз аъзоларига қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиладиган
уч ғилдиракли самосвалларни
2-3 йил муддатга йилига 16% билан лизингга беради.



Самосваллар 2009 йил Хитойда ишлаб чиқарилган.
Тежамкор дизель ёқилғисида ишлайди, 100 км.га 3-5 литр ёқилғи сарфланади.
Юк кўтариш қуввати — 3-5 тоннани ташкил қилади.
Мурожаат учун телефонлар: 150-33-73, 150-12-01.

Товар сертифицирован
INTEGRAL ASIA
Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан
DELL
... от карманных компьютеров до серверов...



3 года полной гарантии !!!
Технологии, обеспечивающие уверенность
Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг бош режиссёри Искандар Султоновга отаси

**Олмос СУЛТОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати ахборот-ресурс маркази абонемент бўлими мудираси Мунира Ғаффоровага падари бузруквори

**САТТОР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Кўнгил хиёбони

Муроджон исмли маҳалладошимиз бор. Обрўли идорада ишлаб, юқори мансабга кўтарилди. Остида хизмат машинаси. "Нексия"да савлат билан ўтиради. Бир бекат наридаги мактабга ҳам болаларини шу машина элтиб қўяди.

## «Одамий эрсанг...»

**Турмуш чорраҳаларида**

**Б**ир пайтлар эл қатори йўналишли автобусларга чиқиб юрган йигитнинг димоғи ҳам кўтарилиб кетди. Балки менга шундай туюлар, деб юргандим. Йўқ, рост бўлиб чиқди. Қўшнилардан бирининг маъракасида кўринмай қолганди, атайин уни сўраб-суриштирдим.

— Мурод дейсизми? — деди саволга жавобан хонадон эгаси. — Саломга тузук алик олмайди-ю, уни тўйга айтаманми? Мансаб ўз йўлига, одамгарчиликдан чиқмасин, ака.

Беихтиёр ғиждувонлик Насриддин акани эсладим. Оиласи юпунгина эди. Шу инсон тадбиркорлик этагидан тутди. Ҳозир Тошкентда ҳам дўконлари бор. Ҳар гал қишлоққа келганида қўли кўксидан тушмайди. Бемору ногиронларнинг уйига кириб, кўнгил сўраб чиқади. Шукрона тариқасида қўни-қўшни, қишлоқ кексалари учун дастурхон ёзади. Ёшу кекса билан мириқиб суҳбатлашади. Ҳовлисининг бир четида эса бундан йигирма йилча аввал миниб юрган мотоцикли турибди. Атайин қўйган. "Ўша кунларимни эслатиб туради", дейди. Бу аслида "Оёғим ердан узилмасин", дегандек гап. Ёдимга яна Муроджон ва Тўйчи қўшнимиз тушади. Кошифийнинг бир ҳикматини ўқиб, қўшнимизни тушунгандек бўламан. "Такаббурга салом берма, саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга оғир туюлади", дея ёзиб қолдирган у.

**Б**уни қарангки, одамгарчиликдан чиқмасликнинг шартларидан бири саломга алик олиш экан.

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

**Кўҳна Турон замини фарзандлари саналган Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари азиз авлиёлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк муҳаддислар ва алломалар бутун ислом оламида маълуму машҳур. Мустақиллик йилларида ана шу буюк зотларнинг муборак номлари тикланди, зиёратгоҳ ва қадамжолари обод этилиб, илмий-маънавий мероси қадр топди. Муҳташам масжидлар бунёд этилиб, муқаддас динимиздаги инсонпарварлик ғояларининг мазмун-моҳиятини кексаю ёш онгига сингдириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Буларнинг барчаси, албатта, истиқлол берган имкон самарасидир.**

**Сабоқ**

## БИДЪАТГА ЙЎЛЛАЙДИГАН «ИБОДАТ»

Бироқ дин, эътиқод эркинлиги яратилган юртимизда ислом аҳкомлари, муқаддас китоблар, оятларни бузиб талқин қилаётган сохта тариқатчилар томонидан динимиз шаънига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани барчамизни таассуфга солади. Ўзларини "пир", "эшон" атаб, мўмин-мусулмонларга "раҳбарлик, раҳнамолик қилиш" даъвоси билан чиқаётган бундай кимсаларнинг асл мақсади замондошларимизни ҳидоят йўлига бошлаш эмас, аксинча, имонга, исломга дарз етказувчи "сабоқ"лари билан кишилар ўртасига нифоқ солиш, азалий инсоний қоида-меъёрларга тажовуз қилиш, ихтилофлар чиқаришдан иборат. Фарғона вилоятида "Иброҳим эшон", Самарқанд вилоятида "Исоқжон эшон", Андижон вилоятида "Зуҳриддин эшон" ва "Одилжон эшон" номлари билан юртдошларимизнинг онгини заҳарлашга уринаётган кимсалар шулар жумласидан. Уларнинг фикрича, ҳар бир мусулмон кишининг "пир"и бўлиши жоиз эмиш. Пир эса маънавий раҳнамо бўлиб, унинг ҳар бир сўзи "мурид" учун вожибдир. Ҳатто, бундай "тариқат пешволари" томонидан "Пири йўқнинг дини йўқ" деган сохта гаплар тарқатилмоқдаки, бу уларнинг ғаразли ниятлари йўлида ҳар қандай чиркин хатти-ҳаракатдан тоймаслигини тасдиқлайди.

Уларнинг муридларига нисбатан даъволаридан бири "пирга қўл бермаганнинг намозлари қабул эмас" қабилидадир. Ёхуд пирга қўл бериб, тавба қилган киши зиммасидаги қазо намозларидан ҳам соқит бўлар эмиш. Хўш, бу ақидалардан қай бири динимизга тўғри келади? Зотан, намоз — Аллоҳ таоло томонидан бандаларига буюрилган улуғ вазифа. Бу вазифа эса бошқа бир банданинг воситачилигида кечиб юборилмайди.

Қуръони каримда, Ҳадиси шарифларда Аллоҳдан чин дилдан сўралган дуолар ижобат бўлиши, бандалар Аллоҳга дуо қилиб, эҳтиёжларини сўраши мумкинлиги таъкидланган. Аммо сохта пирлар фикрича, оддий одамлар ноласи Аллоҳ таологa етиб бормасмиш, ўртада воситачи керак экан. Юқорида келтирганимиз мисоллар ҳам шундай даъволар асосига қурилган. Ана шу "ғоя" ва "таълимот"ларни синчковлик билан ўргансангиз, маълум бўладики, бундай ақидалар насронийликка мансуб оқимлардан таъсирланиш оқибатида юзага келганга ўхшайди. Зеро, насронийлик таълимотига кўра, бандалар Яратган олдида ўз гуноҳларидан кечиб беришни руҳонийлардан сўрайдилар. Аллоҳга эмас, руҳонийларга тавба-тазарру қиладилар.

Сохта эшонларнинг яна бир даъвосини эшитиб, ислом динидан бир оз бўлса-да, хабардор инсоннинг ёқа ушлаши табиий. Айрим имони суст, исломдан бехабар кимсалар томонидан пир таҳорат олган сувнинг муқаддас саналиши, ҳатто ўша сувнинг истеъмол қилиниши ҳолларини эшитиб, "Астағфируллоҳ" дейишингиз, шубҳасиз. Хўш, бу ўринда юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйиб бераётган "пир"лик даъвосидаги кишиларни қандай атамоқ керак?!

Фарғона вилояти, Бувайда туманининг Оққўрғон қишлоғида яшовчи Иброҳим Маматқулов ўзини "ҳазрат" деб эълон қилиб, атрофига шогирдлари — муридларини тўплашга, улардан фойдаланишга уринмоқда. Унинг "ваъз" ва "сабоқ"ларига учган муридлар орасида, ҳатто, касб-кори, оила ва фарзандларидан воз кечиб, "пир"нинг этагидан тутиб, унга эргашаётганлар борлиги жуда ачинарли ҳол. Ҳолбуки, муборак ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз (с.а.в) томонидан "Умматимнинг энг яхшиси охират иши деб дунё ишини, дунё иши деб охират ишини қолдирмайдиганларидир", дейилган. Энг ачинарлиси, исломда "раҳнамолик"ка даъво қилаётган сохта "пешво" ортидан кўр-кўрона эргашаётганлар билан боғлиқ турли кўнгилсиз воқеалар ҳам учраб турибди. Масалан, 2009 йилнинг 24 январь куни "ҳазрат" (Иброҳим Маматқулов)нинг уйида Сирдарё вилояти Ховос туманидан келган "мурид"и Эгамберди Турсунқулов вафот этади. Бироқ марҳумнинг жасади суд тиббий экспертизасидан ўтказилмай, нима сабабдан вафот этганлигига аниқлик киритилмай, Ховос туманидаги қишлоғига олиб бориб дафн этилади. Жорий йилнинг 27 январь куни эса "ҳазрат" зиёратига Наманган вилояти Косонсой туманидан келган 8 нафар "мурид"и кўчанинг темир йўл билан кесишган жойида автоҳалокатга учрайди. Улардан 4 нафари воқеа жойида ҳалок бўлади, қолган 4 нафари эса оғир тан жароҳати олгани туфайли шифохонага ётқизилади.

Ушбу ҳолатлар ҳақида қоғоз қоралар эканмиз, Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асарида келтирилган Шайх Абу Бакр Абу Варроқнинг Термизийдан келтирган қуйидаги ривояти ёдимизга тушади. Яъни қиссада ёзилишича, Шайх Абу Бакр Абу Варроқнинг кўнглига Хизр пайғамбарни кўриш орзуси тушибди. У киши ҳар тонгда Қуръон тиловат қилишни ва қабристонга бориб, Аллоҳга тазаррую илтижолар қилишни канда қилмас экан. Шундай кунлардан бирида Абу Бакр уйидан чиқар экан, бир нуроний чол келиб, унга салом берибди ва дебди:

— Бугун бирга суҳбат қуришимизни истайсанми?

— Истайман, — дебди Шайх.

Шу тариқа, икковлон сўзлашиб, қабристонга боришибди. Уларнинг суҳбати узоқ чўзилибди. Ниҳоят, чол кетмоқчи бўлиб, Шайхга юзланибди ва дебди:

— Ё Абу Бакр! Бугун сени бир пора Қуръон ўқимоқдан қўйдик. Мен сен кўришни орзу қилган Хизрман. Аммо бир соат Ҳақ билан суҳбат қилмоқ, Хизр билан минг йил ўтиргандан яхшироқдир.

Қиссадан ҳисса шуки, Хизрдек зотнинг суҳбати ҳам мўмин инсонни Аллоҳдан чалғитишга сабаб бўлиши мумкин экан.

Ҳа, тақводан мурод Аллоҳнинг ризосига эришмоқдир. Бироқ ўзини "пир" сановчи ҳамда уларга кўр-кўрона эргашувчи "мурид"лар Аллоҳ ризосини эмас, балки қаҳрини келтирадиган амаллар билан машғул. Шундай экан, билиб-билмай пирга қўл бериб, унинг ақидаларига қулоқ тутишнинг оқибати савоб учун эмас, аксинча, имон бутунлигининг бузилиши учун асос бўлади. Зеро, ислом инсонларни бидъатга эмас, ҳидоятга бошловчи йўлдир!

**Убайдулла УВАТОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

### Тафаккур бўстони

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқдир.

**(Амир Темур ўгитларидан.)**

ххх

**Номард суҳбатидан парҳез қил.**

**(Мотуридий)**

ххх

Бириккан бармоқлар қиличнинг ишини қилар.

**(Нодира.)**



*— Бунинг чиройлилигини...*

А. АБДУЛЛАЕВ сурат-лавҳаси.

### Қуёш йўли

Назм гулшани

*Томчиларни оралаб қуёш,*
*Чиқиб келар чўмилган қиздай.*
*У ҳар куни яшаради, ёш,*
*Кўнгилдаги муқаддас ҳисдай.*

*У осмонга бағишлаб сурур*
*Ҳар тонг Шарқда ёқади гулхан.*
*Ерга бериб ям-яшил умр,*
*Гиёҳларни силаб ўтар шан.*

*Ёғду олиб ундан юлдузлар*
*Кўкка ёяр мангу нурини.*
*Қаҳратонда, ҳаттоки, музлар*
*Суюб қучар унинг нурини.*

*Қуёш йўли на улуғ йўлдир!*
*Ёруғликни ўргатар бизга.*
*Кел, эй соқий, қадаҳни тўлдир,*
*Қуёш кирсин қалбларимизга!*

**Абдулла ШЕР**

**Тожибой илгаридан енгил ишга ўрганган. Халфафуруш, сўнгра пистафурушлик қилган. Сир эмаски, савдогарлик ҳалолликни ёқтиради. Харидорларнинг ҳақига хиёнат қилмасангиз, чеҳрангизу қўлингиз очиқ бўлса, ишингиз ўз-ўзидан юришиб, даромадингизга барака инади. Тожибойчи, нафсига қул бўлди.**

## ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ

Одамларнинг ҳақига хиёнат қила бошлади. Тарозидан уриб қолишга, молини ёлғон гаплар билан ўтказишга муккасидан кетди. Ҳаром нарса одамга қачон буюрувдики, энди буюрса. Тожибой эса буни билмади. Билсаям қўл силтади. Охири касодга учраб, бор-шудидан айрилди. Бу кўргиликдан куюниб, дардини унга-бунга айтиб юраверди. Энг ёмони, замонни айблади, одамларни бузилиб кетганга чиқарди.

**Инсон манзаралари**

Мана, ҳур замон келди. Тожибой ўша бозорда даллоллик қилиб юрибди. Яқинда бир покдомон чўпоннинг қорабайир отини арзонгаровга олиб қўйди. Унга шундай дедики, отингнинг зоти сал пастроқ, ўтганига уравер. Бўлмаса, қайтариб кетаман, деди чўпон. Тожибой айланиб-ўргилаверди, оғизга солган луқмани ейиш керак, бойбува, деб туриб олди. Чўпон кўнмади. Даллол алдади, алқади. Шериклари билан лаловлашиб, отни сотиб олди. Лекин чўпон оғринди. Тожибой эса отни арзон олганига хурсанд бўлганча уйига қайтди. Бир гуруҳ даллоллар отни кўриб, зап иш қилдинг-да, дейишди. Тожибой уларга отнинг асли мана шу бўлади, деб мақтади. Кечга бориб тўрвани отнинг бошига осиб, ем берди, охурга хашак солди. Сўнг ошга тўйиб, хуш кайфиятда ўринга ётди. Туни билан ичи ғимирлаб чиқди. Қорабайирдан қанча пул қолишлигини чўтлади. Қараса, олам-жаҳон пул қоларкан.

У азонда турди. Қорабайирдан хабар олгани отхонага борди. Қараса, от чўзилиб ётибди. Шобир-дубир бўлди ҳам бошини кўтармади. Тожибойнинг капалаги учиб кетди. Отнинг яғринига шапатилади. От турмади...

Шу воқеадан кейин Тожибойнинг иши орқага кетди. Билдики, ҳаммаси чўпонни норози қилганлигидан бўлди. Қўйчивоннинг дарагини топиб, тоққа чиқиб кетди. Ўтовда тиззалаганча, мени кечиринг, мана сизни алдаганимнинг ҳақи, деб даста пулни чўпоннинг дастурхонига қўйди. Чўпон пулни олмади, ўтган ишга саловат, деди. Сўнг дастурхоннинг пул турган ерини қирқиб олди-да, меҳмонга қайтариб берди. Шунда Тожибой тоза мулзам бўлди.

Тожибой одамларнинг "бузилиб кетгани"дан ҳалиям маломат қилиб юрибди.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

**Икки дўст ўрмонда ўтин тўплашарди. Уларнинг бири эрта туриб, ўтин кесишни бошлар, бир дарахтни кесар-кесмас бошқасига ўтарди. У дам олиш у ёқда турсин, тушлик қилиш ҳақида ҳам ўйламасди.**

## Икки ўтинчи

Кеч тушгач, дўсти кетганидан кейин ҳам ўрмонда қолиб ишини давом эттирарди ва бир неча соатдан кейин уйига қайтарди.

Унинг шериги эса, ўтин кесаётиб, оз-оз дам оларди. Пешинда тушлик қилар, қуёш бота бошлаши билан уйига жўнарди.

Бир ҳафтадан кейин икки дўст кесган ўтинларини бир жойга тўплашибди.

Бу манзара одамни шошириб қўярди. Иккинчи ўтинчи ўзидан кўпроқ ишлаган дўстидан икки баробар ортиқроқ ўтин кесиб келтирганди.

Кўпроқ ишлаган ўтинчи ҳайрат билан:

— Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин. Ахир сен мендан камроқ ишлаган эдингку!..— дебди.

Шериги кулимсираганча жавоб берибди:

— Тўғри, сен тинмай ишладинг. Мен эса, орада дам олдим. Дам олаётганимда болтамни ҳам чархладим, ҳам куч-қувват тўпладим. Болтанг ўткир ва куч-қудратинг бўлса, оз ишлаб ҳам кўп ўтин кеса олиш мумкин.

Сирли одам

## Ягона қўл

***Бир япон болакайнинг ягона орзуси машҳур каратэчи бўлиш эди. Бироқ ота-онаси бунга қаршилик қилишарди. Бир куни кутилмаган фалокат натижасида болакай чап қўлидан айрилди.***

Ота-онаси унинг аҳволини кўриб, балки бир оз чалғир, деган мақсадда каратэ мураббийини ёллашди. Мураббий биринчи дарсда болакайга қаршисидаги рақибни ўнг қўл билан ушлаб, устидан отиб юборишни ўргатди. Иккинчи, учинчи, ҳатто кейинги кунларда ҳам бир хил машқни бажарар эди.

Болакай бир куни мураббийига:

— Устоз, жуда сиқилиб кетдим. Энди бошқа усулларни ўргансак ҳам бўлар, — деди.

Мураббий эса бу таклифга рози бўлмай, дунёда бу машқни энг тез бажарадиган киши бўлмагунича давом этаверишини айтди. Болакай бу машқни шу даража ўзлаштириб олдики, ҳатто мураббийини кўз очиб-юмгунича устидан ошириб ерга улоқтирарди.

Бир куни мураббий қўлида бир қоғоз билан келди. Қоғозда болакайнинг ёшлар ўртасида ўтказиладиган каратэ чемпионатига қатнашиши мумкинлиги ёзилган эди. Болакай жуда хурсанд бўлди.

Эртаси куни илк курашга чиқаётганида мураббийдан ҳаяжон билан сўради:

— Устоз, бу ишни қандай уддалайман? Мен фақат биргина ҳаракатни биламан, енгилишим аниқ.

Мураббий эса:

— Сен фақат ўша ҳаракатни бажар, — деб жавоб берди.

Болакай кураш майдончасига чиқди ва ўрганган машқи билан рақибини мағлуб қилди. Ҳатто шу биргина ҳаракат билан финалгача етиб келди. Финалда ўзидан икки баробар кучли рақиб билан юзлашди. Аввалига жуда қўрқди, лекин яна мураббийи ўргатган ҳаракатни қўллаб, сўнгги рақибини ҳам енгди ва мусобақа ғолиби бўлди. Севинч билан мураббийининг олдига югуриб бориб сўради:

— Устоз, ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман. Фақат битта ҳаракатни биламан. Шундай бўлса-да, ғолибликни қўлга киритдим.

Мураббий жилмайганча шогирдига шундай жавоб берибди:

— Сен ўрганган ҳаракат каратэда энг қийин машқлардан бири ва унга қарши ҳаракат қилишнинг биргина чораси — рақибнинг чап қўлидан ушлаш...

**Хориж матбуот хабарлари асосида М. ЖОНИХОНОВ тайёрлади.**

## Арасту дейдики...

***Мозий улуғларидан Маждиддин Хавофий буюк файласуф Арастудан шундай иқтибос келтиради:***

"Иззат тиласанг — иффатли бўл, улуғлик тиласанг — мулойим бўл, зафар тиласанг — адолат йўлини тут, қадр тиласанг — ростгўй бўл, нажот тиласанг — сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг, жидди жаҳд қил"

*Инсонлик мартабаи комилликдир,*
*Ҳар ишда софлигу якдилликдир,*
*Бир аҳду бир қарор, бир тилликдир,*
*Размдир, хулоса ҳам покдилликдир.*


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 23.10 8